

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING
А Ж Р И М И

2024 йил 22 октябрь куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносига, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: Б.Хайдаров, ҳайъат судьялари: Ш.Каримов ва А.Омоновдан иборат таркибда, Х.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Эрматов ва ҳимоячи Ш.Мингбоеваларнинг иштирокида, С.К ва бошқаларга оид жиноят ишини ҳимоячининг тафтиш шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 30 ноябрдаги ҳукмига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,209-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 6 йил, ЖК 59, 61-моддалари тартибида 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

С.К, А.Абдуллаев ва М.Мирзаевлардан солидар тартибда 7.012.932.400 сўм “Avtosanoat Komponent” МЧЖ фойдасига ундириш белгиланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 8 майдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан М.Сулаймонов, А.Абдуллаев ва М.Мирзаевлар ҳам судланган бўлиб, тафтиш шикояти ёки протести киритилмаганлиги сабабли ҳукмнинг А.Абдуллаев ва М.Мирзаевларга оид қисми муҳокама қилинмайди, М.Сулаймоновнинг қисми апелляция инстанциясида кўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521²-моддасига кўра, суд мажлиси жазони ижро этиш муассасасида бўлган маҳкум С.Книнг иштирокисиз



ўтказилди.

Суднинг қарорларига кўра, А.Абдуллаев Кўқон шаҳрида жойлашган, 60% давлат улуши бўлган “UzAutoComponents” МЧЖ таъсисчилигида асос солинган “Avtosanoat Komponent” МЧЖ директори, жамиятнинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи С.К, жамият ходимлари М.Сулаймонов ва М.Мирзаевлар олдиндан тил бириктириб, 2020 йил 1 январдан 2021 йил 1 декабрга қадар жамиятга асосий восита ва ТМЗдан 966.380.500 сўм, “UzAuto Motors” АЖдан олинган пўлат листлардан 5.756.557.600 сўм, “UzTongHong” МЧЖдан олинган пўлат листлардан 689.994.300 сўм, жами 7.412.932.400 сўмлик камомад ҳамда 172.715.300 сўмлик ортиқча, жами 7.585.647.700 сўмлик мол-мулкларни талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Ҳимоячи тафтиш шикоятда, С.К айбловидан ЖКнинг 28,209-моддасини чиқариш, 172.715.300 сўмлик ортиқчани бухгалтерия ҳужжати бўйича балансга олиб, камомадни ушбу суммага камайтиришни белгилашни, у талон-торож жинояти ҳақида хабар бермагани учун ҳаракатларини ЖКнинг 241-моддаси қайта малакалаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Фуқаровий даъвогар вакили А.Нуманов ва О.Юлдашевлар эътирозномасида, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни, фуқаровий даъвогар вакили Қ.Рахимов ва судланган М.Сулаймоновлар эътирозномасида, шикоятга нисбатан эътирозлари йўқлигини билдирганлар.

Тафтиш инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Хайдаровнинг маърузасини, прокурор М.Эрматовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Ш.Мингбоевнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини ўзгартиришни лозим топди.

Суд қарорларида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган С.Книнг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги, фуқаровий даъвогар Қ.Рахимов, А.Нуманов ва О.Алиев, гувоҳ А.Абдуғаниев, О.Газиев, Ш.Мадаминов, М.Жўрақулов, Б.Шаймухаммедов, С.Мухторжонов, А.Сулаймонов, Д.Абдуллаев, А.Эгамназаров, З.Жононов, О.Абдуллаев, М.Сойибжонов, Т.Мамаджонов, Ў.Худойқулов ва Э.Масадиқовларнинг кўрсатувлари, “Avtosanoat Komponent” МЧЖнинг маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларини кўздан кечириш, “Avtosanoat Komponent” МЧЖга 2020-2021 йиллар давомида “UzAuto Motors” АЖ ва “UzTongHong” МЧЖдан ишлаб чиқариш мақсадида олиб келинган листларнинг кирим-чиқим ҳужжатларини олиб қўйиш ва уларни кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, суд-хатшунослик экспертизаси хулосаси, ҳужжатли тафтиш далолатномаси, шунингдек ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракати ЖК



167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган бир вазиятда, 28,209-моддасининг 1-қисми билан ҳам квалификация қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши;

408-моддасида, суд ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳамма чораларни кўришлиги;

463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва судланувчини жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, бунга ишончли далиллар асос қилиб олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди юқоридаги қонун талабларига риоя қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддасининг 1-қисмида, давлат органи мансабдор шахсининг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, тақдим этиши давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Биринчи инстанция суди ва дастлабки тергов органи томонидан, С.К ЖК 209-моддасининг тегишли қисми билан айбланган бўлса-да, ҳукм ва қарор фабуласида уни айнан қайси расмий ҳужжатни қачон қалбакилаштиргани кўрсатилмасдан, балки ҳукм ва қарорнинг асослантириш қисмида жамият раҳбари билан олдиндан тил бириктириб, жамият ҳисоботларини қалбакилаштиргани кўрсатилган (5-жилд и.в. 62, 6-жилд и.в. 260).

Судланган С.К дастлабки тергов ва биринчи инстанция судларида, 2020 йил 12 июнда “Avtosanoat Komponent” МЧЖ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи этиб тайинлангани, жамият раҳбари А.Абдуллаев унга бўлим ҳисоботларини юритмаслиги, товарлар ҳисоб-китобини ўзи амалга оширишини айтгани, шу сабабли бўлим ҳисоботларини юритмагани, омбордан цехга товарлар ҳужжатсиз кирим қилиниб, ҳужжатсиз чиқим қилингани ҳақида (5-жилд и.в. 67);

гувоҳ З.Жононов, 2018 йил 4 августдан жамият бош ҳисобчиси экани, 2020-2021 йилларда жамият моддий жавобгар шахслари ҳисоботларни юритмагани, жамият раҳбари ва моддий жавобгар шахсларига оғзаки бир неча бор огоҳлантиришига қарамасдан ҳисоботлар юритилишига эриша олмагани, ўзида мавжуд маълумотлар бўйича бухгалтерияни юритгани, “UzAuto Motors” АЖ ва “Ўз Тонг Хонг Компани” МЧЖлардан қайта ишлаш учун олинган пўлат лист ва гайкаларни ҳисобини уларга жўнатилган деталлар ва топширилган металллар бўйича қайта калькуляция қилиб, ҳисобот юритгани ҳақида (6-жилд 254-255);

гувоҳ А.Абдуғаниев, “Avtosanoat Komponent” МЧЖда ўтказилган инвентаризацияда мутахассис тариқасида иштирок этгани, жамият моддий жавобгар шахслари томонидан ҳисоботлар юритилмагани ҳақида кўрсатув берган (6-жилд и.в. 249-250).



2023 йил 25 апрелдаги ўрганиш маълумотномасида, “Avtosanoat Komponent” МЧЖ моддий жавобгар шахслари томонидан ҳисоботлар юритилмагани кўрсатилган (6-жилд и.в. 48-50).

Биринчи инстанция суди С.К жамиятнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатларни йўқ қилмагани, аксинча моддий жавобгарлигидаги ҳисоботларни юритмаган деган фикрга келиб, унинг айбловидан ЖК 227-моддасининг 1-қисмини чиқарган бир вазиятда, уни 28,209-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топиб, бир-бирига қарама-қарши хулосага келган.

“Avtosanoat Komponent” МЧЖнинг ҳисоботлари С.К томонидан юритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 204-моддасида, мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан сўз, рақам, чизма ёки бошқа шаклда ёзилган ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган ҳужжат ёки бошқа ёзувлар ёзма далил ҳисобланиши кўрсатилган.

Жиноят иши материалларида, С.К томонидан сохталаштирилган жамиятнинг бирор-бир ҳужжат ёки ёзувлари ёзма далил сифатида олинмаган ва қарор билан ёзма далил деб топилмаган.

Ишда аниқланган ҳақиқий ҳолатларга кўра, С.К 2020 йил 12 июнда “Avtosanoat Komponent” МЧЖ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи этиб тайинланиб, жамият раҳбари А.Абдуллаевнинг талаби билан ишлаб чиқариш бўлими ҳисоботларини юритмаган, жамият омборидан ишлаб чиқариш цехига товарлар ҳужжатсиз кирим қилиниб, ҳужжатсиз чиқим қилинган, уни жамиятнинг бошқа ҳисоботлари юритилишига дахли бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддасида, судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса, у айбсиз деб топилиши белгиланган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати, С.К бир гуруҳ шахслар билан жамият ҳисоботларига сохта ёзувлар киритганлигини тасдиқловчи ишга дахлдор объектив далиллар тўпланмаганлиги боис, уни мансаб сохтакорлиги жиноятига дахли йўқ деб ҳисоблаб, ЖК 209-моддасининг 1-қисми билан айбсиз деб топиб, реабилитация этишни лозим топади.

Бундан ташқари, С.К 2020 йил 12 июндан 2021 йил 14 октябрга қадар “Avtosanoat Komponent” МЧЖ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган бўлса-да, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди томонидан у 2020 йил 1 январдан 2021 йил 1 декабрга қадар, яъни у бўлим бошлиғи лавозимида ишламаган 7 ойда ҳам бир гуруҳ шахслар билан жамиятнинг жами 7.585.647.700 сўмлик мол-мулкларини талон-тарож қилганликда айбли деб топган.

2023 йил 25 апрелдаги ўрганиш маълумотномасида, “Avtosanoat Komponent” МЧЖ моддий жавобгар шахслари томонидан ҳисоботлар юритилмагани сабабли аниқланган камомад суммасини шахслар кесимида тақсимлашнинг имкони мавжуд эмаслиги кўрсатилган (6-жилд и.в. 48-50).

Шунга кўра судлов ҳайъати, С.К 2020 йил 12 июндан 2021 йил 14 октябрга қадар жамиятнинг 7.585.647.700 сўмлик мол-мулкларини бир гуруҳ шахслар билан талон-торож қилган деб топишни лозим топади.



Бундан ташқари, биринчи инстанция суди, жамиятда аниқланган ортиқча 172.715.300 сўмлик пўлат лист ва асосий воситалар тақдирини ҳал этмасдан, аксинча уни суд муҳокамасидан чиқариб, хатоликка йўл қўйган.

Ортиқча аниқланган 172.715.300 сўмлик пўлат лист ва асосий воситалар жамият ҳудудида сақланиб, унинг ихтиёрида қолган, бу мулкларни жамият материал ва баланс ҳисоботларига олиб, аниқланган камомаддан ушбу суммани айирган ҳолда, улар тақдирини ҳал этиш лозим бўлади.

Шунга кўра судлов ҳайъати, ортиқча аниқланган 172.715.300 сўмлик пўлат лист ва асосий воситаларни “Avtosanoat Komponent” МЧЖ материал ва баланс ҳисоботларига кирим қилишни белгилаб, суд ҳукми билан ундириш белгиланган 7.012.932.400 сўмдан 172.715.300 сўмни айирган ҳолда, судланган С.К ва бошқалардан солидар тартибда 6.840.217.100 сўмни “Avtosanoat Komponent” МЧЖга ундиришни лозим топади.

Гарчи, тафтиш шикоятда, С.К талон-торож жиноятига дахли йўқлиги ҳақида важлар келтирилса-да, ушбу важлар қуйидаги асосларга кўра рад этилади ва судлов ҳайъати томонидан жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирган важлари деб баҳоланади.

Хусусан, 2017 йил 22 сентябрь куни “UzAuto Motors” АЖ ва “Avtosanoat komponent” МЧЖ ўртасида тузилган 115-41100/2017-сонли хизмат кўрсатиш шартномасининг 7.1-бандида, “Avtosanoat komponent” МЧЖ ишлаб чиқаришдан ортган чиқинди металлни буюртмачи, яъни “UzAuto Motors” АЖга қайтариши шартлиги;

8.1-бандида, ишлаб чиқарувчи “Avtosanoat komponent” МЧЖ томонидан хомашёдан нотўғри фойдаланганлик, ўзлаштирганлик ёки бошқача тарзда камомадга йўл қўйилганлик ҳолати бўйича буюртмачига маҳсулотнинг бозор қийматида келтирилган зарарни қоплаши шартлиги кўрсатилган (1-жилд, и.в 56).

“Avtosanoat komponent” МЧЖ ишлаб чиқариш цехига жамият омборидан пўлат лист, детал ва металл чиқиндилар ишониб топширилиб, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи С.К ушбу товар моддий бойликларнинг сақланиши ва юқоридаги шартнома шартлари асосида “Ўз Тонг Хонг Компани” Ўзбекистон-Корея ҚК АЖга қайтарилишига масъул бўлган.

Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан “Avtosanoat komponent” МЧЖ молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш далолатномасига кўра, 2021 йил март ва ноябрь ойлари ҳамда 2022 йил февраль ойларида ўтказилган йўқламалар натижасида аниқланган ҳолат бўйича “UzAuto Motors” АЖ ва “UzTongHong” МЧЖдан олинган хом-ашёлар, ижарага олинган асосий воситалар (қолиплар) қолдиғи бўйича жами камомад суммаси 7.412.932,400 сўмни, ортиқча ҳолати 172.715.300 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган (4-ж, и.в 11-35).

“Avtosanoat komponent” МЧЖда ўтказилган йўқламалар натижасида жами бўлиб жамият балансида бўлган 240 турдаги асосий восита ва товар-моддий захиралардан 966.380.500 сўмлик камомад ва 38 турдаги 172.715.300 сўмлик ортиқча, “UzAuto Motors” АЖ ва “UzTongHong” МЧЖдан олинган пўлат лист маҳсулотидан 2.568.897.300 сўмлик камомад ва



132.126.800 сўм ортиқча, металл маҳсулоти бўйича 3.827.393.700 сўм камомад, технологик қолип маҳсулотлари бўйича 50.260.900 сўм камомад аниқланган.

Мазкур камомад қуйидаги оралиқ текшириш далолатномалари асосида жамланган бўлиб, уларнинг келиб чиқиши қуйидагиларда ифодаланган:

2021 йил 15 март куни ўтказилган инвентаризацияда, 44 бирликдаги ортиқча ва 6 бирлик 14.645.249,03 сўмлик камомад ва асосий воситалардан қиймати 6.406.855.966,19 сўмлик камомад;

2021 йил 26 март куни ўтказилган инвентаризацияда, 2 дона қиймати 40.000,00 сўмлик камомад;

2021 йил 5 ноябрь куни ўтказилган санок натижаларига кўра, “Avtosanoat komponent” МЧЖ омборида мавжуд бўлган металллар миқдоридан 1563,75 тонна камомад;

2021 йил 15 ноябрь куни ўтказилган инвентаризацияда, 654.429,410 бирликдаги ёки умумий миқдори 2.582.718.763,162 сўм камомад ва 20.298,603 бирликдаги умумий миқдори 132.126.835,363 сўмлик ортиқча аниқланган.

С.К талон-торож қилинган мулклардан манфаатдор бўлиб, у мансабдор шахс ҳисобланмаса-да, мансабдор шахс ҳисобланган А.Абдуллаев ва бошқалар билан бир гуруҳда мазкур жиноятни содир этган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, маҳкумга ахлоқан тузалиши, у ва бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши;

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм айбдорга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди С.Кга ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан жазо тайинлашда, юқоридаги қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, унинг шахси, судланмаганлиги ва икки нафар фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ғаразли ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноят натижасида етказилган моддий зарарлар қопланмаганини инобатга олиб, қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шунингдек, мазкур турдаги жиноятларни қайта содир этилишини олдини олиш мақсадида ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб адолатли хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра судлов ҳайъати, суд қарорларининг С.Кга оид қисмини ўзгартириб, уни ЖК 28,209-моддасининг 1-қисми билан ЖПК 83-моддасининг 2-қисмига асосан оқлашни, ЖКнинг



59,61-моддалари тартибида тайинланган жазони бекор қилишни, ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тайинланган жазоларни ўзгаришсиз қолдиришни, С.К талон-торож қилган даврни 2020 йил 12 июндан 2021 йил 14 октябргача деб топиб, ортиқча аниқланган 172.715.300 сўмлик пўлат лист ва асосий воситаларни жамиятга кирим қилдириб, С.К ва бошқалардан солидар тартибда 6.840.217.100 сўм ундиришни, ҳимоячининг тафтиш шикоятини эса қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

_____га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 30 ноябрдаги ҳукми ва Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 8 майдаги ажрими ўзгартирилсин.

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,209-моддасининг 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 3-қисмига асосан оқлансин.

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазо бекор қилинсин.

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилсин.

_____ 2020 йил 12 июндан 2021 йил 14 октябрга қадар жамиятнинг 7.585.647.700 сўмлик мол-мулкни бир гуруҳ шахслар билан талон-торож қилган деб топилсин.

Ортиқча аниқланган 172.715.300 сўмлик пўлат лист ва асосий воситалар “Avtosanoat Komponent” МЧЖнинг материал ва баланс ҳисоботларига кирим қилинсин.

С.К, А.Абдуллаев ва М.Мирзаевлардан солидар тартибда 6.840.217.100 сўм моддий зарар “Avtosanoat Komponent” МЧЖга ундирилсин.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, ҳимоячининг тафтиш шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:	/имзо/	Б.Хайдаров
Ҳайъат судьялари:	/имзо/	Ш.Каримов
	/имзо/	А.Омонов

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья Б.Хайдаров

